

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ТАЛИМ МАРКАЗИ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ

ҲАМДА АЙРИМ ФАНЛАР

ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИЛАДИГАН СИНФЛАР УЧУН

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ ВА НУТҚ ЎСТИРИШ ФАНИДАН

УЗВИЙЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ РЕЖА ВА

ДАСТУР

(II-III-IV-СИНФ)

ТОШКЕНТ - 2011

МУАЛЛИФЛАР: Р.Сафарова - ЎзПФИТИ лойиҳа бошлиғи, педагогика фанлари доктори, профессор Т.Ғаффорова - Қарши ДПУ кафедра мудири, педагогика фанлари номзоди, достент Х.Ғуломова - Низомий номидаги ДПУ катта ўқитувчи, достент М.Иноятова- ЎзПФИТИ лойиҳа бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Н.Ахмедова- РТМ “Бошланғич таълим” бўлим бошлиғи

ЎҚУВ РЕЖАГА ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли, 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390-сонли, 2003 йил 29 октябрдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар талимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 473-сонли, 2004-йил 24 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест Маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 293-сонли, 2004 йил 9 июлдаги “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 321-сонли, 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 173-сонли қарорлари ҳамда Сўлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Санитария қоидалари ва меъёрлари” асосида тузилган.

Ўқув режа таркибан давлат ва мактаб компонентларидан иборатдир.

Мазкур дастурда ўқувчиларга она тили фанининг назарий асосларини чуқур сингдиришга қаратиб, билимларни амалда қўллаш олишга ўргатиш мақсадида амалий машғулотлар кўпайтирилди.

Ихтисослашган мактаблар ва Она тили фани чуқур ўқитиладиган синфлар учун мазкур ўқув режада давлат ва мактаб ихтиёридаги соатлардан: 2-синфлар учун математика фанидан 1 соат ва мактаб ихтиёридан 1 соат; 3-синфлар учун математика фанидан 1 соат ва мактаб ихтиёридан 1 соат; 4-синфлар учун математика фанидан 1 соат ва мактаб ихтиёридан 1 соат олиниб, мазкур синфларда давлат ва мактаб ихтиёридан олинган соатлар ихтисослаштирилган мактаблар ва чуқурлаштириб ўқитиладиган

мактабларнинг бошланғич синфларида Она тили фанини ўқитишга қўшиб берилди.

Она тили фани ихтисослигига йўналтирилган синфларда махсус фанларни ўқитишда ўқувчилар икки гуруҳга ажратиб ўқитилиши мумкин. Бироқ, синфларнинг гуруҳларга бўлиб ўқитилиши маҳаллий молия ташкилотлари билан келишилган ҳолда ҳал этилади.

Айрим фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг Она тили фанидан ўқув дасурларини оптималлаштириш юзасидан шарҳлар:

Олий ва ўрта махсус таълими ва Халқ таълими вазирликларнинг 2010 йил 31 мартдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дасурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 134/62-сонли қўшма буйруғига кўра ишчи гуруҳлари тузилди ва 24 та умумтаълим фанлари ўқув дастурлари узвийлиги, узлуксизлиги таъминланди ва оптималлаштирилди.

Оптималлаштирилган ўқув дастурлар Олий ва ўрта махсус таълими ва Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда Олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида”ги (6/2-сонли) 4/1-сонли қўшма ҳайъат мажлиси қарорига асосан тасдиқланди.

Шунга кўра, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчилардаги қобилият ва истеъдодни янада камол топтириш учун фан йўналишлари бўйича ихтисосликка йўналтирилган ўқув дастурларини оптималлаштириш мақсадида Республика таълим марказининг 2010 йил 22 сентябрдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг ўқув дастурларини оптималлаштириш тўғрисида”ги 62-сонли буйруғи қабул қилинди.

Она тили фани бўйича ихтисосликка йўналтирилган ўқув дастурини оптималлаштириш учун ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг юқори педагогик маҳорат ва тажрибага эга амалиётчи ўқитувчилари ва фан методистларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳи тузилди.

Мазкур ишчи гуруҳи томонидан она тили ўқув фанининг ўқув дасурлари ўрганиб чиқилиб, умумтаълим муассасаларининг оптималлаштирилган ўқув дасурлари билан ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг ўқув дастурлари орасидаги фарқлар қиёсий таҳлил қилинди.

Она тили фанидан жами 8 соат ҳажмдаги 8та мавзу оптималлаштирилди. Шундан, 3 соатлик 3 та мавзу мураккаблиги ва юқори синфларда ўрганилиши сабабли дастурдан чиқарилди. 5 соатлик 5 та мавзу такрорланганлиги учун синфдан-синфга кўчирилди.

Жумладан, 2-синфнинг ўқув дастуридаги “Алифбо”, “Сўз ўйини” “Сўз ва матн” мавзуси бўйича машғулоти 1-синфда ўрганилганлиги;

“Матнларни мазмунан қисмларга бўлиш, матнга ва матн қисмларига сарлавҳа қўйиш”, “Баён ҳақида тушунча» мавзулари мураккаблиги аниқланди. 3-синф ўқув дастуридаги “Ундов гаплар” мавзуси ва “Белгининг (сифат) маъносидаги хусусиятларни изоҳлаш” мавзуси мураккаблиги аниқланди

4-синф ўқув дастуридаги “Матндаги асосий фикрни аниқлаш” мавзуси мураккаблиги аниқланди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун кўйидаги ишлар амалга оширилди:

2-синф дарслигида “Расм асосида матн яратиш” машғулоти амалдаги дарсликнинг “Алифбо” мавзуси учун ажратилган соат ҳисобидан ташкил этилади. “Сўз ўйини” машғулоти амалдаги дарсликнинг 27-28-бетларида берилган материаллар ҳисобидан ташкил этилади. Дастурдаги “Сўзларни алифбо тартибида ёзиш” мавзуси 1-синфда ўрганилганлиги сабабли дастурдан чиқарилди. “Сўз ва матн” мавзуси бўйича машғулоти амалдаги дарсликнинг 28-бетида берилган материаллар ҳисобидан ташкил этилади.

Дастурдаги “Алифбонинг аҳамияти» мавзуси 1-синфда ўрганилганлиги

сабабли дастурдан чиқарилди. 2-синф ўқув дастуридаги “Матнларни мазмунан қисмларга бўлиш, матнга ва матн қисмларига сарлавҳа қўйиш» мавзуси мураккаблиги сабабли дастурдан чиқарилди. Ушбу мураккаб мавзу ўрнига киритилган амалий машғулот “Нутқ ҳақида умумий тушунча” мавзуси учун ажратилган соат ҳисобидан ташкил этилади.

2-синф ўқув дастуридаги “Баён ҳақида тушунча” мавзуси мураккаблиги сабабли дастурдан чиқарилди. Ушбу мураккаб мавзу ўрнига киритилган амалий машғулот “Гап - нутқ бирлиги” мавзуси учун ажратилган соат ҳисобидан ташкил этилади.

3-синф ўқув дастуридаги “Ундов гаплар” мавзуси мураккаблиги сабабли дастурдан чиқарилди. Ушбу мураккаб мавзу ўрнига киритилган амалий машғулот “Ҳис-ҳаяжонли гапларда тиниш белгиларнинг қўлланилиши ҳисобидан ташкил этилади. Бунда амалдаги дарсликнинг 41-бетида берилган 98-100-машқлар билан ишланмайди. 3-синф ўқув дастуридаги “Белгининг (сифат) маъносидаги хусусиятларни изоҳлаш” мавзуси мураккаблиги сабабли дастурдан чиқарилди. Ушбу мураккаб мавзу ўрнига киритилган амалий машғулот “Ясама сифатлар” мавзуси ҳисобидан ташкил этилади.

4-синф ўқув дастуридаги “Матндаги асосий фикрни аниқлаш” мавзуси мураккаблиги сабабли дастурдан чиқарилди. Ушбу мураккаб мавзу ўрнига киритилган амалий машғулот тақвим- мавзу режадаги “Икки ва ундан ортиқ кишининг нутқи” мавзуси ҳисобидан ташкил этилади. Бунда амалдаги дарсликнинг 39-бетида берилган. 88-89-машқлар билан ишланмайди.

ЎҚУВ ДАСТУРИГА УЎТИРИШ ХАТИ

“Таълим тўғрисида”ги Қонунда таълимнинг равнақи унинг инсонпарварлиги, таълим ва тарбия тизимининг узлуксизлиги, илмийлиги ва дунёвийлиги, таълимда умуминсоний ва илмий қадриятларнинг устуворлиги, давлат таълим стандартлари доирасида ҳамманинг билим олиши учун имконият яратилиши билан белгиланиши бежиз эмас.

Узлуксиз таълим тизимида бошланғич таълим муҳим босқич ҳисобланади ва унда она тилини ўқитиш асосий ўрин эгаллайди. Она тили дастури қуйидаги билимларни ўз ичига олади:

1. Савод ўргатиш, нутқ ўстириш.

2. Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш. Бошланғич синфлар она тили таълими ўқувчиларда нутқ фаолиятининг асосий турларини ўстириш билан бир қаторда, қуйидаги муҳим масалаларни ҳам ҳал этишни кўзда тутди:

Бошланғич синфларда она тилидан бериладиган билимлар мазмунини ўзбек тилининг товуш тузилиши ва ёзма нутқда товушларни ифодалаш усуллари ҳақидаги, сўзларнинг ўзгариши ва гапда сўзларнинг боғланиши ҳақидаги, сўзларнинг морфемик таркиби ва сўз ясалиши, сўзларнинг лексик-семантик гуруҳи ҳақидаги, ўзбек тилининг тўғри ёзув қоидалари ва тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақидаги билимлар ташкил этади. Берилган бу билимлар ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қилади.

Она тили ўқитишнинг мазмуни ва методлари ўқувчиларга дастур талаб қилган ҳажмда пухта билим бериш, кўникма ва малакалар ҳосил қилишга кўмаклашиши лозим.

Мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ранг-баранг жабҳаларида, мулоқот ва муносабатнинг барча турларида ўзбек тилидан бемалол эркин, самарали ва тўғри фойдалана олиш, унинг чексиз имкониятларидан тўлақонли баҳраманд бўлиш, зарурий кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак.

“Она тили” дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга

йўналтириш лозим. Шунинг учун ушбу дастур ва шу асосида яратилажак дарсликларда Грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз кечиш, ижодий тафаккур тарзини шакллантириш, дарс ва машғулотларни ўқувчиларнинг нутқий малакасини юзага келтиришга қаратиш мақсад қилиб олинди.

Она тили таълими олдида қуйидаги бош мақсад туради: она тили машғулотлари болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ вазиятига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бошланғич синфларда она тилини ўргатишдан асосий мақсад болаларнинг ёш хусусияти ва ёзма нутқини, тафаккурни ўстириш, уларда билим олишга қизиқишни ўстириш, фаоллик, мустақиллик, меҳнатсеварлик, қийинчиликларни енга олиш қобилиятларини ўстириш ҳисобланади. Болаларнинг ақлий ва нутқий қобилиятларини муваффақиятли ўстириш келгусида фанларни пухта ўзлаштиришга имконият яратади.

Бошланғич синфларда фонетика, грамматика, тўғри ёзув ва нутқ ўстиришдан бериладиган бошланғич маълумотлар ўрта мактабларда ўқитиладиган она тили ва адабиёт систематик курсларининг материаллари билан боғланади ва ўзбек тилининг турли томонларига оид кенг тушунчаларни қамраб олади. Ўқувчилар бошланғич синфларда сўзларнинг фонетик таркиби билан, сўзларни бўғинларга ва маъноли қисмларга бўлиш билан, сўз туркумлари ва гап турлари, гап бўлаклари билан ва бир қатор тўғри ёзув қоидалари билан танишадилар. Дастурга кўра, ўқувчиларни сўзнинг лексик маънолари билан, яъни синоним, антоним ва кўп маъноли сўзлар билан таништириш ҳам кўзда тутилган.

Фонетика, лексика, грамматика, тўғри ёзувдан бошланғич билимларни ўзлаштириш жараёнида болаларнинг фикрлаш қобилиятлари ўсади; улар тил ҳодисаларини таҳлил қилишга, қиёслашга, умумлаштиришга ва гуруҳлашга, улардан асосийларини аниқлашга, ўз нутқларида тил бирликлари - сўз ва гапларни тўғри қўллашга ўрганадилар.

Бошланғич синфлар “Фонетика, грамматика, тўғри ёзув ва нутқ ўстириш” дастури босқичли изчиллик тамойили асосида тузилган бўлиб, фонетика, грамматика, имлодан бериладиган бошланғич маълумотлар юқори синфларда ўқитиладиган она тили ва адабиёт материаллари билан узвий боғланади. Ушбу дастур “Товушлар ва ҳарфлар”, “Сўз”, “Ғап”, “Боғланишли нутқ” ва “Ҳуснихат” бўлимларини ўз ичига олади. Дастур охирида ўқув йили давомида ўрганиладиган имлоси қийин сўзлар алифбо тартибида берилади.

Товушлар ва ҳарфлар. Товушлар ва ҳарфларга оид асосий билимлар ўқувчиларнинг савод ўргатиш ва 1-синф она тили жараёнида ўрганган амалий билимларига асосланган ҳолда, 2-синфда берилади, улар ҳақида кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Уларда товушлар ва ҳарфлар, унли ва ундош товушлар, уларнинг ҳарфий ифодаси; бўғин, жарангли ва жарангсиз ундош товушлар ҳақида тушунча берилади. Болалар шу билимлар асосида айтилиши ва ёзилишида фарқ қиладиган сўзлар; аввало, у ва и товушли сўзларнинг айтилиши ва ёзилиши; сўз охирида келган жарангли б ва д ундошларнинг жарангсиз жуфти п ва т ундоши эшитилса ҳам, б ва д ҳарфининг ёзилиши; айрим сўзлар охирида келган д ва т ундошларининг талаффузда тушиб қолиши, аммо ёзувда сақланиши; ёнма-ён келган икки бир хил ундошли сўзларнинг айтилиши ва ёзилишини билиб оладилар.

3- ва 4-синфларда эса товушлар ва ҳарфларга оид билимлар мустаҳкамланади. Сўзларни товуш-ҳарф томондан таҳлил қилиш такомиллашади, болаларда нутқни эшита олиш қобилиятини ўстиришга эътибор кучайтирилади. Булар, ўз навбатида, ўқувчилар саводхонлигини оширади, хатосиз кўчириб ёзиш, эшитиб ёзиш, ёзганларини мустақил текшириш кўникмаларини ўстиради.

Товушлар ва ҳарфлар юзасидан олиб бориладиган ишлар кичик ёшдаги ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўстириш ва такомиллаштиришга йўналтирилади.

Сўз. Бошланғич синфларда сўз лексик-грамматик томондан ўрганилади. Луғат устида ишлашга катта эътибор берилади. Луғавий машқлар

грамматика ва тўғри ёзишни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади (Лексикадан назарий билим берилмайди). Ўқувчилар ўқиш, грамматика, тўғри ёзув имло материалларни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда сўзлар шахс ва нарсаларнинг номини, ҳаракатини, белгисини, саноғи ва тартибини ифодалаши, яқин ва қарама-қарши (зид) маънони билдириши, матнларда ҳар хил маънода ишлатишини билиб оладилар; улар ўз фикрларини тўғри ва аниқ ифодалашга, фикрга мос сўзлар танлай олишга ўргатиб борилади.

Сўз туркумларини ўзгартиришга ўқувчилар иккинчи синфда тайёрланадилар. Улар ким?, кимлар?, нима?, нималар? сўроқларига жавоб бўлиб, шахс ва нарсалар номини; қандай?, қанақа?, қайси? сўроқларига жавоб бўлган, шахс ва нарсаларнинг саноғни ва тартибини; нима қилди?, нима қилади?, нима қияпти? сўроғига жавоб бўлиб, нарса ва шахслар ҳаракатини ифодалашни билиб оладилар; улар маълум сўзларга сўроқ бера олишга, у ёки бу сўроққа жавоб бўлган сўз нимани ифодалашини айтиб беришга ўргатилади.

3-синфда ўқувчилар ўзак ва ўзакдош сўзлар билан таништирилади. Сўзнинг таркиби: ўзак, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчаиар ўрганилади. Оддий сўз ясалиши билан, кўп ишлатиладиган -чи, -ла, -сиз, -ли, -зор, -кор каби қўшимчалар маъноси ўзлаштирилади.

Ўқувчилар “сўз туркуми” термини билан 3-синфда таништирилади. Улар от, отнинг маъноси (шахс, нарсаларнинг номини билдириши), сўроқлари, бирлик ва кўпликда қўлланиши; сифат, унинг маъноси (нарсаларнинг белгиларини билдириши), сўроқлари; сон, унинг маъноси (нарса ва нарсаларнинг саноғи ва тартибини билдириши), сўроқлари; феъл, унинг маъноси (нарсанинг ҳаракатини билдириши), сўроқлари, бўлишли ва бўлишсиз феълларни ўрганадилар.

4-синфда ўқувчилар отларнинг эгалик қўшимчалари билан қўлланиши, келишиқ қўшимчалари билан турланиши ва асосий сўроқларига қараб уларнинг бир-биридан фарқланиши, келишиқ қўшимчаларининг ёзилишини; сифат юзасидан ўрганилганлар такрорланиб, қип-қизил, юм-юмалоқ каби

сифатларнинг ёзилишини; сон, унинг маъноси, санок ва тартиб сонлар, уларнинг сўроқлари, тартиб сонларнинг ёзилишини; кишилик олмошлари, уларнинг уч шахсда, бирлик ва кўплик сонда қўлланишини, келишиклар билан турланишини ўрганадилар. Бу синфда ўқувчиларга феълларнинг тусланиши (шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши) ҳақида тушунча берилади, уч замонда: ўтган, ҳозирги, келаси замонда қўлланиши, ўтган замон қўшимчаси (-ди) нинг айтилиши ва ёзилиши ўргатилади.

Дастурнинг “Гап” бўлими материалларини ўрганишга болаларни тайёрлаш мақсадида улар нуткида кўпроқ ишлатиладиган боғловчилар билан амалий таништирилади.

Сўзнинг таркиби ва сўз туркумларини ўрганиш жараёнида турли сўз туркумларига оид сўзларнинг хилма-хил маъноларда қоиладиланиши сўзни гапда, сўз бирикмасида тўғри, ўринли, аниқ ишлатишни билиб олишга ёрдам берадиган лексик машқлар, шунингдек, ўқув йили давомида ўрганиладиган имлоси қийин сўзларнинг ёзилишини билиб олишга кўмаклашадиган луғавий-имловий машқлар ўтказилади. Ўқувчилар дарсликда берилган луғатдан, бошланғич синфлар учун нашр этилган имло луғатидан фойдаланишга ўргатилади.

Гап. Бошланғич синф ўқувчиларига гап ҳақида: гапнинг ифода мақсадига кўра турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гап) ҳақида, ҳис-ҳаяжон билан айтилган гаплар; гапнинг мазмунига кўра охирига нуқта, сўроқ ва ундов белгисининг қўйилиши ҳақида; гап бўлаклари, гапда сўзларнинг боғланиши ҳақида, гаплар сўз бирикмаларига ажратилиши ҳақида дастлабки маълумотлар тўрт ўқув йили давомида изчиллик билан бериб борилади.

Иккинчи синфда олдинги синфда берилган билимлар янги тил материаллари асосида мустаҳкамланади, ўқувчилар гапнинг охирида нуқтадан ташқари сўроқ белгиси ва ундов белгисининг ишлатилиши билан танишадилар ва охирига қўйилган тиниш белгисига мос оҳангда гапни ўқишга ўрганадилар.

Ўқувчилар гап бўлакларини ўрганишга иккинчи синфда тайёрланадилар,

улар гап ким (кимлар) ёки нима (нималар) ҳақида айтилишини билдирган сўзни (эгани) ҳамда улар ҳақида нималар дейилганини билдирган сўзни (кесимни) топишга, ажратишга ўргатилади (эга ва кесим атамалари берилмайди). Бу мавзуларни амалий ўрганиш жараёнида гапда ўзаро боғланган сўзларни аниқлашга оид машқлар ўтказиб борилади.

Учинчи синфда гапнинг ифода мақсадига кўра турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гап) ўргатилади. Уларни оҳангига кўра талаффуз қилиш тиниш белгиларини тўғри ўқиш ҳақида тишунча берилади, оғзаки ва ёзма нутқда қоллашга ўргатилади. Бу синфда гап бўлаклари: эга, кесим ва иккинчи даражали бўлақлар мавзулари ҳам ўрганилади (Иккинчи даражали бўлақлар турларга ажратилмайди). Ўқувчилар сўз бирикмалари билан амалий таништирилади.

Тўртинчи синфда ва, аммо, лекин, бироқ боғловчилари ёрдамида боғланган ва боғловчиларсиз қўлланган уюшиқ бўлакли гаплар ўрганилади. Ўқувчилар уюшиқ бўлакли гапларни санаш оҳангида ўқишга; ва, аммо, лекин, бироқ боғловчилари билан боғланган уюшиқ бўлақларда шу боғловчилардан олдин вергул қўйиб ёзишга; уюшиқ бўлакли гаплардан оғзаки ва ёзма нутқда фойдаланишга ўрганадилар.

Фонетика ва грамматикадан берилган билимлар имло қоидаларини ўзлаштириш учун асос бўлади. Ўрганилган имло қоидаларини амалиётга татбиқ этишга оид машқлар изчиллик билан ўтказиб борилиши, болалар ёзганларини ўзлари текшириб, хато ва камчиликларини ўзлари топа олишга ва уларни тўғрилай билишга одатланишлари лозим.

Боғланишли нутқ. Бошланғич синфларда олиб бориладиган таълимий ишларнинг асосий йўналишларидан бири ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, муомала одобини шакллантириш ҳисобланади.

Ўқувчилар нутқини ўстириш устида ишлаш савод ўргатишнинг биринчи кунлариданоқ бошланиб, ўқиш ва она тили дарслари, атрофимиздаги олам, математика ва бошқа фанлар, синфдан ташқари машғулотлар билан боғлиқ ҳолда изчиллик билан давом эттирилади. Нутқий машқлардан боғланишли

нутққа оид оғзаки ва ёзма машқларга алоҳида аҳамият берилади. «Синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш» дастурига кўра ўқилган матнни қайта ҳикоялаш (оғзаки баён), ўқиганлари, кўрган-билганлари, эшитганлари асосида оғзаки ҳикоя тузиш(иншо)га оид оғзаки машқлар ўтказилади; “Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш” дастурига кўра кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ёшларига мос равишда намуна асосида матн тузишга ва уни луғавий-имловий тайёргарликдан сўнг ўқитувчи ёрдамида ёзиш(баён)га доир кўрган билганлари, ўқиганлари, кузатишлари асосида матн тузишларига, яъни иншога оид машқларни бажаришга ўргатиб борилади.

Бошланғич синфларда баён ва иншо таълимий характерда бўлади. Баён ҳам, иншо ҳам кичик ҳикоя тарзида бўлиши зарур.

Табиатни кузатишга, қатнашувчи шахсларнинг ташқи кўринишини тасвирлашга оид ҳикояга нега?, нима учун? каби сўроқларга жавоб бўладиган муҳокамага оид бир-икки гап қўшиб борилади. Бунинг учун ўқувчилар аввал табиат ҳодисалари, кишилар, меҳнат ва нарсаларни тасвирлаб, икки-уч гапни оғзаки тузишга, маълум тайёргарликдан сўнг уларни ёзишга ўргатилиши керак. Боғланишли нутқ машқларини ўтказишга дастурда махсус соатлар ажратилмайди. Бошланғич синфларда луғавий-имловий тайёргарликдан сўнг баён ёздиришга, ҳикояни оғзаки туздириш (иншо) ва берилган саволларга жавоб ёздиришга 10-15 кунда бир дарс ажратиш тавсия этилади.

Ҳуснихатга ўргатиш. Ёзувга — ҳуснихатга ўргатишнинг вазифаси ҳарф, сўз, гап ва матнни тўғри ва чиройли ёзишни такомиллаштиришдир. Ёзувни ўрганиш жараёнида ўқувчи товушнинг белгиси бўлган ҳарфни, сўз ва гапни китобдан ва доскадан тўғри, ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчириб ёзиш, ёзганларини текшира олиш ва йўл қўйган камчилик ҳамда хатоларини ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўзи тузата олиши керак.

2-синфда қўл мускуллари ҳаракатини ва кўз билан чамалашни ривожлантириш учун айрим ҳарфлар, ҳарф бирикмалари, ҳарфлар гуруҳини ёзишни мураккаблашиб боришига қараб ҳуснихат машқлари ўтказиб борилади. Ўқувчилар ҳарфлардан ташқари сўзларни, гапларни, кўчириб

ёзишни, эшитиб ёзишни машқ қиладилар.

3-4-синфларда график машқлар ҳисобига ёзилиши мураккаб бўлган ҳарф ва ҳарф бирикмалари, уларни бошқа ҳарфларга боғлаб ёзиш машқларидан кенг фойдаланилади.

Ҳуснихатга оид камчиликларни (ҳарфларнинг қиялигига етарли эътибор бермаслик, баландлик ва кенглик ўлчамини, шаклини бузиб ёзиш каби), шунингдек, ҳар қайси боланинг ёзувига хос бўлган бошқа хатоларни тузатиш юзасидан айрим гуруҳ ўқувчилари билан биргаликда ва яккама-якка машқлар ҳам ўтказиб борилади. Шу мақсадда ёзув намуналарини кўрсатиб бериш билан бирга, 2-синф барча ўқувчиларнинг дафтарларини ҳар куни текшириб бориш, чиройли ва саводли ёзишга оид машқлар ёрдами билан ҳам она тилидан ўрганилган билимларни мустаҳкамлаб бориш тавсия этилади.

Доимий текшириш ва баҳолаш берилган билимларнинг ўзлаштирилишини таъминловчи таълимий шартлардан биридир. Она тилидан ўрганилган билимларни ўқувчилар қандай ўзлаштирганини аниқлаш учун ёзма иш машқларнинг асосий турлари бўлган кўчириб ёзиш, таълимий (таъкидий, изоҳли, расм, луғат, ижодий, эркин) ва текшириш диктантлари ҳамда таълимий баён ва иншолардан фойдаланилади.

Текшириш мақсадида ўтказиладиган ёзма ишларда сўз сони: луғат диктанти учун тахминий сўз сони: 2-синфда 10-12 сўз, 3-синфда 14-16 сўз, 4-синфда 18- 20 сўз; текшириш диктанти учун танланадиган матндан сўз сони: ўқув йилининг охирига 2-синфда 40-50 сўз, 3-синфда 60-70 сўз, 4-синфда 75-90 сўз.

Баён: 2-синфда 45-50 сўзли матн юзасидан сўроқ гаплардан тузилган тайёр режа асосида баён ёзиш; 3-синфда 65-70 сўзли ва 4-синфда 80-90 сўзли матн юзасидан биргаликда тузилган режа асосида сўнгра эса мустақил равишда тузилган режа асосида баён ёзиш.

Ўқувчиларни ҳар бир дарсда китоб билан ишлашга (ўрганилаётган мавзуни, керакли қоида, машқни тезда топишга, машқ топшириқларини тартиби билан изчил бажаришга) бажарилаётган машқнинг мақсадини

(нимага ўргатишини) тушунишга ўргатиши керак.

Ўқувчиларда билиш жараёнини фаоллаштириш ва она тилидан бериладиган билимларни пухта ўзлаштириш учун таълимий ўйинлар қатнашадиган турли қизиқарли машқлар, бошқотирма кроссворд - катакларни ҳарфлар билан тўлдириб, ўйланган сўзларни топишга оид топишмоқ мустақил маънога эга бўлган бир неча сўздан тузилган сўзни топиш (белбоғ, гултожихўроз); сўз ёки гапни шакл, ҳарф, белгилар билан ифодалайдиган топишмоқ; ҳар хил кўргазмали қуроллар, техник воситалардан фойдаланиш ва дарсда иш орқали болаларнинг толиқишининг олдини олишга ҳамда дастурда тавсия этилган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни биргаликда ҳал этишга эришиш зарур.

ЎҚУВ МАВЗУЛАРИ ТАҚСИМОТИ

Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш (ҳафтасига 6 соат, жами 204 соат)

1. Биринчи синфда ўтилганлар юзасидан такрорлаш (3 соат)

2. Товушлар ва ҳарфлар (77 соат). Унли ва ундош товушлар, уларнинг бир-биридан фарқи. Товушларни ҳарфлар билан белгилаш. Унли товушлар ва ҳарфлар. Ўзбек тилидаги олти унли товушнинг олти унли ҳарф билан белгилаш. А ва [o], [y] ва [и], [е], [ў] унли товушларининг талаффузи ва ундош товушлар портловчи жарангли ундош (жажжи) билан сирғалувчи жарангли ундош (аждар) товушини ф ва п, ҳ ва х ҳамда ҳарф бирикмаси билан ифодаланилган нг товушининг талаффузи ва имлоси. Тутуқ белгиси (ъ) ва унинг ишлатилиши. Тутуқ белгисининг сўздаги вазифаси.

Берилган сўзни луғатдан топа олиш. Тавсия этилган 3-6 сўзни алифбо тартибида ёзиш.

Бўғин. Сўзнинг олдинги сатрга сиғмай қолган қисмини кейинги сатрга бўғинлаб кўчириш. Сўзда нечта унли товуш бўлса, шунча бўғин бўлиши. Бўғин таркиби унли товушдан, бир унли ва бир ундош товушдан, бир унли ва бир ундош товушдан тузилиши.

Бўғин кўчириш. Сўзнинг бир йўлдан кейинги йўлда бўғинлаб кўчирилиши. Бўғин ҳосил қилган бир унли ҳарфни олдинги йўлда қолдириб ёки кейинги йўлга кўчириб бўлмаслиги бир бўғинли сўзлар, она, аҳил, ўрик, элак каби икки бўғинли сўзларнинг кўчириш учун бўлинмаслиги. Тутуқ белгиси қўйиб ёзиладиган сўзларни бўғин кўчириш учун бўлиниши, тутуқ белгисининг олдинги бўғинда қолдирилиши (ваъ-да, машъ-ал, таълим). Ҳарф бирикмали сўзларнинг бўғинлаб кўчирилиши (си-нгил, кў-нгил, тонг-ги каби) ёнма-ён келган бир хил ундошли сўзларнинг бўғинлаб кўчирилиши (ик-ки, кат-та, ис-сиқ каби), жарангли ва жарангсиз ундош товушлар, уларнинг имлоси бундай сўзларнинг ёзилишини сўз охирига унли товуш қўшиб айтиб текшириш: (мактабим - мактаб, китобим - китоб, мақсадим - мақсад, умидим - умид каби), айтилишда тушиб қоладиган ундошлар (фарзанд, дарахт, дўст

каби) уларнинг имлоси.

3. Сўз (64 соат)

Сўзларнинг маъно билдириши, кишилар ва нарсалар номини билдирган сўзлар; кишиларнинг номини билдирган сўзлар (ким?, кимлар?), нарсалар номини билдирган сўзларга (нима? нималар?) сўроғининг берилиши. Кишиларнинг исми-фамилияси, ҳайвонларга берилган номлар, шаҳар, кишлоқ, кўча ва дарёга қўйилган номларнинг бош ҳарф билан ёзилиши.

Нима қилди?, нима қияпти? сўроқларига уларнинг жавоб бўлиши, нарса ва шахсларнинг ҳаракатини билдирган сўзлар. Қандай?, қанақа?, сўроқларига жавоб бўлиши шахс ва уларнинг нарсаларнинг белгиларини (ранги, мазаси, шакли, хил-хусусиятини) шахс ва нарсаларнинг саноғини, тартибини билдирган сўзлар ва уларнинг сўроқлари.

Луғавий машқлар: қарама - қарши маъноли сўзлар: (роҳат-азоб, оқ-қора уйғотмоқ-ухлатмоқ, бошламоқ-тамомламоқ , катта-кичик (кичкина), баланд-паст) ва маънодош сўзлар: (орзу, истак, ҳавас, тилак; севинмоқ, шодланмоқ; айбсиз, гуноҳсиз, бегуноҳ каби) шаклдош сўзлар, уядош сўзлар ва кўп маъноли сўзлар.

4. Гап (26 соат)

(гапларнинг дарак, сўроқ, буйруқ мазмунини билдириши ҳамда сўзлардан тузилиши. Гапнинг биринчи сўзининг бош ҳарф билан ёзилиши ва охирига тиниш белгисининг қўйилиши. Гапдан ким?, кимлар?, нима?, нималар? ҳақида айтилганни билдирган сўзлар. (эга ва кесим атамаси берилмайди). Сўроқлар ёрдамида гапдаги ўзаро боғланган, сўзларни аниқлаш.

Нутқ ва матн

Нутқ. Нутқнинг аҳамияти. Оғзаки ва ёзма нутқ ҳақида тушунча.

Матн. Матннинг ўзаро мазмунан боғланган икки ёки бир неча гаплардан тузилиши; саволлар ёрдамида унча катта бўлмаган матн асосида баён ёзиш; расмларга қараб саволлар ёрдамида гаплар тузиш.

Бир мавзуга оид 2-3 та гап туза олиш. Болаларнинг ўйинлари, катталар

меҳнатига ёрдами, ўқишлари, кизиқишлари ҳақида ўқитувчи раҳбарлигида ҳикоя тузиш ва ёзиш.

Ҳуснихат (34 соат)

Бир чизиқли дафтарда ўхшаш унсурли ҳарфларни ёзиш ва ҳарфни бирига тўғри туташтириш; ўхшаш унсурли кичик ҳарфлар ва шу ҳарфлардан тузилган бўғинлар ва сўзларни ёзиш, ўхшаш унсурли бош ҳарфлар ва уларни ўздан кейин келган кичик ҳарфга туташтириш.

Айрим ёзув қоидалари. Дафтарларнинг паст томонидаги бурчагини кўкрак ўртасининг қаршисига тўғри қўйиш; дафтарни чап қўл билан ушлаб туриб ёзиш; бошини бир оз пастга эгиб, тўғри ўтириш; оёқни бўш тутиб, ерга қўйиб ўтириш; қўлнинг тирсагини парта устида тутиш. Ручкани уч бармоқ орасида эркин ушлаш. Ҳар бир ҳарфни тўғри туташтиришга риоя қилган ҳолда бўғин ва сўзларни аниқ ёзишга ҳаракат қилиш; ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тўғри ва аниқ шакллантириш; шошмасдан, чаплаштирмасдан ёзиш; ҳар бир машқни уч-тўрт марта такрорлаш.

III синф

Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўслириш (238 соат, ҳафтасига 7 соат)

1. Такрорлаш (31 соат) Нутқ ва гап, гап ва матн . Сўз.

Гап. Фикр билдириш мақсадига кўра унинг турлари, гапнинг ким? ёки нима? ҳақида айтилганини ва у ҳақида нима дейилганини билдирган сўзлар. Сўз ва сўзларнинг номлашга кўра гуруҳланиши.

Товушлар ва ҳарфлар. Унли ва ундош товушлар ва ҳарфлар. Бўғин. Сўзларни бўғинларга бўлиш ва бўғинларга бўлиб кўчириш қоидалари. Сўзларни бўғин, товуш ва товуш - ҳарф жиҳатдан таҳлил қилиш; Тутук белгиси ва унинг ишлатилиши. Sh, ch, ng ҳарф бирикмалари кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар ва уларнинг имлоси. Сўз охирида келган, жарангли жарангсиз жуфти бор ундошлар имлоси. 1. Гап (33 соат)

Гап. Гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари: дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап, истак гап. Гапнинг ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра турлари:

Нуқта,(.) сўроқ(?) белгилари, ҳис-ҳаяжон билан айтилган гапнинг охирига ундов белгисининг қўйилиши.

Гап бўлаклари. Гапнинг бош бўлаклари, иккинчи даражали бўлаклари (иккинчи даражали бўлақлар турларга ажратилмайди). Иккинчи даражали бўлақларнинг сўроқлари. Эга ва кесим мазмунини тўлдиришда иккинчи даражали бўлақларнинг аҳамияти. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланишини сўроқлар ёрдамида аниқлаш.

Ўрганилганларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш. 3. Сўз таркиби (16 соат)

Сўзнинг таркиби ҳақида умумий тушунча: Ўзак ва ўзакдош сўзлар. Сўз ясовчи қўшимчалар, ясовчи қўшимчаларнинг ўзакдош (бир хил ўзакли) сўзлар ҳосил қилиши. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар. 4. Сўз туркумлари (64 соат)

Сўз туркумлари ҳақида умумий тушунча. Сўзларнинг маъно ва вазифасига кўра гуруҳ-туркумларга бўлиниши: от, сифат, сон,феъл.

От. Отларнинг шахс ва нарсаларнинг номини билдириши ва ким?, нима? сўроқларига жавоб бўлиши: Отларнинг бирлик ва кўплик шаклида қўлланилиши уларнинг ким?, кимлар?, нима?, нималар? сўроқларига жавоб бўлиши. -лар қўшимчасининг имлоси. От ясовчи қўшимчалар. -чи, -дош, -кор, -зўр, -лоқ ва уларнинг имлоси.

Сифат. Сифатнинг шахс ва нарсалар белгисини билдириши ва қандай?, қанақа? сўроқларига жавоб бўлиши. Сифатнинг от (кенг дала)га боғланиши. Сифатнинг маъно турлари. Сифат ясовчи қўшимчалар - //, -сиз, -дор, уларнинг имлоси.

Сон. Соннинг шахс ва нарсаларнинг саноғини, тартибини билдирувчи ва нечта?, қанча?, нечанчи? сўроқларига жавоб бўлиши. Нечта?, қанча? шахс ва нарсалар миқдорини, нечанчи? сўроғи эса уларнинг жойлашиш тартибини билдириши: Сонларнинг отларга боғланиб келиши (ўн, кун, олтига қалам, учинчи синф). Саноқни билдирган сонларга -та қўшимчасининг қўшилиши (тўртта, мингта); -нчи (-инчи) қўшимчаларининг қўшилиб (еттинчи, бешинчи) тартиб сонларни ҳосил қилиши. Сонларнинг сўз ва рақам билан

ифодаланиши. (6-қават, олтинчи қават) ва уларнинг имлоси.

Феъл. Феълнинг шахс ва нарсалар ҳаракатини билдириши ва нима қилди?, нима қияпти?, нима қилади? сўроқлари, бўлишли ва бўлишсиз феъллар. Нима қилмайди? сўроғига жавоб бўлган бўлишсиз феъллар (айтмайди) ва -ма қўшимчасининг айтилиши ва имлоси. Феъл ясовчи қўшимчалар.

5. Йил давомида ўтилганларни такрорлаш. Боғланишли нутқни ўстириш (60 соат)

Ёзма нутқ ва унинг матн шаклида намоён бўлиши. Матнни мазмунан тугалланган қисмларга бўлиш. Матн қисмларига сарлавҳа танлаш; матн қисмларини ва ҳар бир қисмдаги гапларни ўзаро боғлиқлиги; матннинг тузилиши: кириш қисми, асосий фикр, охирги хулоса қисми ва уларни белгилаш.

Хабар (ҳикоя), ҳаракат ҳақидаги матнни берилган ёки ўқувчи ўзи тузган режа асосида қайта баён қилиш; бир мавзудаги бир неча расм, мазмунли расм асосида, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳаётига яқин бўлган воқеалар (ўйинлар, табиатни кузатиш, саёҳатлар) ҳақида матн тузиш; биргаликдаги тайёргарликдан сўнг оғзаки ёки ёзма ифодалаш; баён ва иншога аста-секин тасвирлаш ва муҳокама элементли 2-3 гапни қўшиб бориш, ўз ишлари ҳақида хат ёзиш.

Нутқ маданияти. Оғзаки ва ёзма нутқда таклиф, табрик, илтимос кабиларни ифодаладиган сўзлардан фойдаланиш; боғланишли нутққа оид машқлар дастур материалларини ўрганиш жараёнида унга боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Луғавий машқлар ва граммаик материлларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда ўтказилади. Маънодош сўзлар, шаклдош сўзлар, қарама-қарши маъноли сўзлар, кўп маъноли сўзлар. Ҳуснихат (34 соат)

Ёзувга оид малакаларни мустаҳкамлаш. Болаларни бир чизиқли дафтарда ёзишни машқ қилдириш; (ҳарфларнинг баландлик ва кенглик ўлчамини ўзлаштириш) ўқувчилар учун қийин бўлган айрим бош ва кичик

харфларни (И, С, Х, ф, к, п, с) ёзишга шунингдек, ҳарфларни тўғри туташтиришга риоя қилиш, сўзлар, гапларни кўчириб ёзиш, эшитиб ёзиш.

Боғланишли нутққа оид машқлар дастур материалларини ўрганиш жараёнида унга боғлиқ ҳолда ўтказилади. Матнни ижодий ўқиш ва уни таркибий қисмларга ажратиш. Ҳар бир қисмдаги асосий фикрни топиш ёки ўз сўзлари билан ифодалаш. Матн қисмларига синф жамоаси билан биргаликда режа тузиш. Режа асосида толиқ, қисқартириб, ижобий қайта ҳикоялаш.

Матнга сарлавҳа қўйиш, таҳлимий баён, 70-80 сўзли матн асосида ҳикоя, тасвир, муҳокама элементли баён ёзиш. Матнни толиқ қисқартириб ёдлаш ва қайта ҳикоялаш асосида баён ёзиш. Таълимий иншо, сюжетли расм ўқилган тайёр қўрилган кино фильм, саёҳат давомида кузатилган воқеалар, кўринишлар асосида иншо ёзиш. Иншода тасвир, муҳокама элементларидан фойдаланиш.

Иншо ёзишга ўргатишда мавзунини тушуниш, чегарасини белгилаб олиш, материал тўплаш, мавзуга доир материалларни ажратиш, мантиқан тартибга солиш, режа тузиш ва ёзма шакллантириш, хатолар устида ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Таклифнома, табрикнома, хат, хабарнома ёзиш, алифбо тартибида рўйхат туза билиш.

IV синф

Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш (238 соат, ҳафтасига 7 соат)

1. Гап (9соат)

Такрорлаш. Гап, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, уларнинг фикр ифодаланиши.

Гапни тугалланган оҳанг билан, буйруқ, тинч ва ҳис-ҳаяжон оҳангида айтилиши; гап оҳангига кўра тиниш белгиларининг ишлатилиши (нуқта, сўроқ, ундов белгилари); гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши; гапда сўзларни ўринли қўллаш, луғатдан фойдаланиш малакасини шакллантириш.

2. Гап бўлаклари (8 соат)

Гап. Бош бўлаklar: эга ва кесим уларнинг сўроқлари, иккинчи даражали бўлаklar, уларнинг сўроқлари, гапда сўзларнинг боғланиши; гап бўлаklarини боғловчи грамматик воситалар: оҳанг ёрдамида боғланиш (масалан, катта бино, аъло ўқинг, кадам каби); сўз ўзгартувчи қўшимчалар ёрдамида боғланиши (масалан, ҳикояни ўқимоқ, дарахтнинг барги, сенга айтмоқчиман каби); сўзлар ёрдамида бўғланиш (ва, ҳамда, лекин, бироқ, аммо).

3. Уюшиқ бўлакли гап (14 соат)

Гапда бир бўлакнинг бирдан ортиқ қўлланиши - уюшиқ бўлаklar. Кесим, эга ва иккинчи даражали бўлаklarнинг уюшиб келиши. Уюшиқ бўлакни санаш оҳанги билан ўқиш; уюшиқ бўлаklarнинг боғланиши: санаш оҳанги ёрдамида; ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ сўзлари ёрдамида; уюшиқ бўлакли гапларда вергулнинг ишлатилиши.

4. Ундалма (8 соат)

Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс эканлиги; бош келишидаги от билан ифодаланиши; унинг ўзига хос хусусияти: гап таркибида гап бўлаги вазифасини бажармаслиги, гапда бошқа бўлаklar билан боғланмаслиги; ўзига хос ундаш; чақириш оҳанги билан айтилиши; гапнинг бошида, охирида, ўртасида қўлланиши; ундалма қатнашган гапларда ундаш ёки чақириш оҳангининг кучли ёки кучсизлигига қараб, ундалмадан сўнг вергул ёки ундов белгисининг қўйилиши.

6. Нутқ. Матн (4 соат)

Матннинг гапдан фарқи, матнларни мазмунан қисмларга бўлиш ва матн қисмларига сарлавҳа қўйиш, матннинг тизилиши; бир кишининг нутқи, икки ва ундан ортиқ кишининг нутқи. Матннинг ўзига хос хусусиятлари. Сарлавҳа. Матнни ифодали ўқиш ва саводли ёзиш; тайёр матнни ўқиш ва қайта ҳикоялаш. Баён ҳақида тушунча.

7. Товушлар ва ҳарфлар (11 соат)

Унли ва ундош товушлар, уларнинг ҳарфий ифодаси; талаффузи ва

ёзилиши фарқ қиладиган унли товушли сўзларнинг талаффузи ва имлоси; жарангли ва жарангсиз ундошларнинг талаффузи ва имлоси; бир хил кўш ундошли сўзлар ва уларнинг имлоси; сўз охирида катор келган ундошли сўзлар ва уларнинг имлоси, х-ҳ товушли сўзлар ва уларнинг имлоси, тутук белгисининг сўз маъноларини фарқлаши.

Бўғин. Сўзларни бўғинларга бўлиш; унли товушларнинг бўғин ҳосил қилиши; сўзларни бир сатрдан иккинчи сатрга бўғинлаб кўчириш; сўзларни бўғин, товуш ва ҳарф жиҳатдан таҳлил қилиш.

Алифбо. Сўзларни алифбо тартибида қайта тузиш. Алифбонинг аҳамияти.

8. Сўз ва сўз таркиби (4 соат)

Сўз, унинг таркибий қисми, ўзак ва қўшимчалар, қўшимчаларнинг вазифасига кўра турларини, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар, сўз таркибини аниқлашга оид машқлар, ўзак ва қўшимчаларни аниқлаш ва белгилаш. Матндан ўзакдош сўзларни ажрата олиш; бир хил ўзакли сўзлар ҳосил қилиш; сўз ясовчи қўшимчаларни қўшиб, ўзакдош сўзларни ҳосил қилиш; тилнинг ривожланиб, бойиб бориши ҳақида тушунчани шакллантириш.

9. Сўз туркумлари (3 соат)

От. Отнинг маъно турлари, шахс отлари, нарса отлари, жой отлари. Ким?, нима?, қаер? сўроқларидан бирига жавоб бўлиши; отларнинг бош ва кичик ҳарфлар билан ёзилиши. Отларнинг бирлик ва кўпликда қўлланиши. Отларнинг бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши.

Сифат. Сифатнинг маъно турлари ва сўроқлари (қандай?, қанақа?). Сифатларнинг отга боғланиши, иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши.

Сон. Соннинг неча?, қанча?, нечанчи? сўроқларига жавоб бўлиши; Соннинг отга боғланиши, кишилиқ олмошлари иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши.

Феъл. Феълнинг ҳаракат билдириши ва сўроқлари (нима қилди?, нима қияпти?, нима қилмоқчи?). Бўлишли ва бўлишсиз феъллар; феълнинг кесим

вазифасида келиши; от, сифат ва феълга доир ўзакдош сўзлар тизимини тузиш. Шу сўз туркумлари ичида учрайдиган маънодош, қарама-қарши маъноли, бир хил шаклли, кўп маъноли сўзлар устида ишлаш. Ўрганилган ясовчилар ёрдамида бир туркумдан иккинчи туркумга оид сўзлар ҳосил қилиш.

10. От (47 соат)

Отларнинг эгалик қўшимчалари билан қўлланиши.

Нутқда отларнинг эгалик қўшимчаларини олган ва олмаган ҳолда қўлланиши; эгалик қўшимчаларининг унли ва ундошдан кейин қўшиладиган шакллари; эгалик қўшимчаси қўшилган отларнинг талаффузи ва имлоси.

Отнинг келишик қўшимчалари билан қўлланиши; матнда ва нутқда отларнинг бир келишикда бўлиши, келишик қўшимчали отларнинг талаффузи ва имлоси; келишик қўшимчали отларни бирикма тарзида ёзиш; келишик қўшимчаларининг отни отга, отни феълга боғлаши.

Эгалик ва келишик қўшимчаларини чизмаларда белгилаш (китобнинг варағи). От ясовчи қўшимчалар. Лексик машқлар ва улар ёрдамида ўқувчилар нутқини отлар билан бойитиш.

11. Сифат (22 соат)

Шахс ва нарсанинг рангини, шаклини, ҳажмини, мазасини, ҳидини, хусусиятини билдириши, сифатларнинг от билан оҳанг ёрдамида боғианиши; сифатларнинг гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши; кўм-кўк, оппоқ, сап-сарик, оч сарик, тўқ қизил каби (амалий тушунча). Сифатларнинг ясалиши; лексик машқлар ва улар ёрдамида ўқувчилар нутқини сифатлар билан бойитиш.

12. Сон (15 соат)

Соннинг шахс ва нарсанинг саноғини (миқдорини) ва тартибини билдириши; тартиб сонларнинг имлоси; сонларнинг отга боғланиб келиши; сонларнинг отга оҳанг ёрдамида боғланиши; сонларнинг гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши; сонларни ўзи боғланган сўз билан бирикма тарзида ёзиш; сонларнинг ёзувда ҳарфий ифода, араб, рим

рақамлари билан ифодаланиши.

Сонларнинг ёзилиши (етти, саккизинчи, 8 март, 2003 йил, IV синф). Сонларнинг метр, грамм каби сўзлар билан келганда битта сўроққа жавоб бўлиши (амалий), икков, ўнча, бештадан каби сонларнинг ёзилиши (амалий).

13. Кишилик олмошлари (13 соат)

Кишилик олмошлари, уларнинг уч шахсни ифодалаши; шахс (бирлик ва кўплик) кишилик олмошларининг от ўрнида қўлланиши; кишилик олмошларининг “ким?” сўроғига жавоб бўлиши; кишилик олмошларининг келишик қўшимчалари билан қўлланиши, имлоси; олмошларнинг бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши. Кишилик олмошларидан нутқда ўринли фойдалана олиш.

14. Феъл (33 соат)

Феъл, унинг кесим вазифасида келиши; феъл замонлари, уларнинг ҳаракатни уч замоннинг бирида бажарилишини билдириши; ўтган, ҳозирги, келаси замон феъллари, қўшимчалари; уч замондаги феълларнинг талаффузи ва имлоси. Феълларнинг шахс-сон қўшимчалари билан тусланиши; шахс-сон қўшимчаларининг сўз ўзгартирувчи қўшимчалар экани; шахс-сон қўшимчалари ҳаракатни уч шахснинг бири томонидан бажарилишини билдириши; шахс-сон қўшимчаларининг -яп, -ди замон қўшимчаларидан сўнг қўшиладиган шакллари (амалий); шахс-сон қўшимчали феълларнинг талаффузи ва имлоси. Феъл ясовчи қўшимчалар. Лексик машқлар ва улар ёрдамида ўқувчилар нутқини феъллар билан бойитиш.

15. Ўқув йили охиридаги такрорлаш (13 соат)

Ўқув йили охиридаги такрорлаш, ўрганилган билимларни эслатиш орқали тизимга солиш ва умумлаштириш мақсадида ўтказилади. Ўқувчилар бир дарсда бир неча турдаги мужассам топшириқларни бажарадилар. Такрорлаш дарслари матн, гап, гап бўлаклари, товуш ва ҳарфлар, товушларнинг турлари, бўғин, алифбо, ўзак, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимча, сўз туркумлари бўйича ўтказилади. Ўқувчилар нутқи ва ёзувидаги

камчиликлар ҳисобга олинади. Бу ўқитувчининг бошқа синфларда таълим жараёнини тўғри ташкил этишини таъминлайди.

Ўқувчилар билан ўқув йили давомида имлоси устида ишланадиган айрим сўзлар дарслик охиридаги луғатчада берилган. Дарсликда сўзлар маъноси берилган бўлиб, ўқувчилардан уларни ўзлаштиришлари талаб қилинмайди.

Боғланишли нутқ.

Нутқ, матн ва гапни фарқлаш; оғзаки ва ёзма нутқни тўғри шакллантириш; матн мазмунини қайта ҳикоялатиш; матндаги асосий фикрни аниқлай олиш; матннинг тузилишини аниқлаш, уни қисмларга ажратиш; улар орасидаги боғланишни изоҳлай олиш; матнга сарлавҳа топиш. Болаларга эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат уйғотиш, боғланишли нутқни ўстириш, адабий-эстетик тафаккурини юксалтириш ўқиш дарсларининг туб моҳиятининг ташкил этади.

Таълимий баён. Берилган матн асосида ҳикоя ёзиш; муҳокама ва тасвир жанри элементлари қатнашган баён ёзиш; матнни қисқартириб, ижодий қайта ҳикоялаш асосида баён ёзиш; танлаб қайта ҳикоялаш асосида баён ёзиш.

Таълимий иншо. Қисмли (қисмларга ажратиб берилган) расмлар ва мавзулар битта расмда ифода этилган кўриниш асосида, шунингдек, ўқилган, кузатилган, эшитилган, кўрилган воқеа ва ҳодисалар асосида материал тўплаш, режа ва шу асосида иншо ёзиш; баён ва иншо режаларини тузишда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ёғллаш.

Ҳуснихат (34 соат). Чиройли ёзиш малакалари такомиллаштирилади. Бўғин, сўз, гап, матнни ҳуснихат қоидаларига риоя қилган ҳолда кўчириб ёзиш; эшитиб ёзиш ва мустақил ёзиш; матнни ёзишда сарлавҳанинг ёзилишига, хат бошидан бошлаш; агарда, сўзлар орасидаги масофанинг бир хиллигига, ҳарфларнинг тўғри ва аниқ ёзилишига, туташтирилишига диққат қаратилади, хошияга риоя қилиш, ўзининг ва ўзгаларнинг ёзувини график таҳлил қила олиш.

Ихтисослаштирилган мактаб ҳамда айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар учун она тили ва нутқ ўстириш фанидан узвийлаштирилган ўқув режа ва дастур (II-III-IV-синфлар). // Р.Г.Сафарова, Т.Ғаффорова, Х.Ғуломова, М.Иноятова, Н.Ахмедова - Тошкент: РТМ, 2011. 20 б.